



Ул қодириким (Убайдий ғазали)



Ул қодириким, барчани жондин жудо килур,
Хар одамини хохласа подшо килур.

Ноумид бўлма лутфи атосидин, эй гадо,
Шоҳ айлабон гадосини, шоҳни гадо килур.

Бегона хам килур ўздан ошносини,
Бегоналарга лутф этибон, ошно килур.

Хак розидирки, икки жахонда, Убайдиё
Хар одамики, элни ўзидин ризо килур.

Шарх: Ул кодириким...

Яратилмиш махлукот борки, барчаси ўлимга махкумдир. Факар Угина мангут тирикдир. Барчани жондан жудо килиш ва яна кайта жон ато этиш Унга осондир. У Кодирдир. Эй инсон, умр йўлингда мавжуд неки вокелик, неки синоат бор барчаси Ундан. Бугун хакир бир гадо эртага подшоҳ макомини олса таажжуб килмагинки, бу Аллохнинг хохишидир. Хеч качон шайтони лайъин сингари ноумид бўлма. Чунки шайтондан ўзга жамики махлукот бор Аллохнинг лутфу карамидин умид килишга хаклидир. Зотан, ноумид шоҳ гадо, умидли кул шоҳдир. Кимки Аллохнинг файзи рахмати ва лутфидан ноумиддир Кодир эгам уни ўзига дўст тутмас. Умид илинжида бўлган бандасини эса Ўзига дўст тутур. Саодат, яхшилик ато этур. Кимки Хак ризосини топмокни истаса, элу халк ризосини топиш учун савоб ишларни килсин.

Рахматуллоҳ Носирнинг
"Соз билан сухбат" китобидан